



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВИГА ИННОВАЦИОН-ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ТАМОЙИЛИНИ ҚЎЛЛАШ

Каримов Музаффар Абдумалик ўғли

Андижон давлат университети мустақил изланувчиси, и.ф.ф.д (PhD),
доцент

karimov8993@umail.uz

Аннотация

Ушбу мақолада Олий таълим тизими инновацион бошқарувида инновацион-интеграциялашув тамойилини қўллаш бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек, университет ва корхоналарни ўзаро интеграцион таъсир механизми асосланган.

Аннотация

В статье даются рекомендации по применению принципа инновационной интеграции в инновационном управлении системой высшего образования. В его основе также лежит механизм взаимной интеграции вузов и предприятий.

Annotation

This article provides recommendations on the application of the innovation-integration principle to the innovative management of the higher education system. It is also based on the mechanism of mutual integration of universities and enterprises.

Калим сўзлар

инновация, интеграция, инвормация, халқаролашув, Давлат тест маркази, ҳамкор ташилотлар.

Ключевые слова

инновации, интеграция, информация, интернационализация, Государственный испытательный центр, партнерские организации.

Keywords

innovation, integration, information, internationalization, State Test Center, partner organizations.

Кириш

Олий таълим тизими бошқарувида халқаро интеграцион алоқаларда юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 6-июлда “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 421-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурларида таълимни ташкил этиш ва уни бошқариш юзасидан айрим камчиликларни бартараф этишга доир бир қанча вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашув, халқаролаштириш ва рақамлаштириш узок тарихга ва чуқур илдиз отган ижтимоий институтларга эга бўлганлар учун ҳам ривожланишнинг янги моделларини излаш ва қўллашни талаб қилади. Ушбу ё‘налишда ҳар қандай муассасадан кўпроқ иқтисодий билимлар яратиш, узатиш ва улардан фойдалана олиш қобилиятини акс эттирадиган олий таълим муассасасини трансформация қилишга алоҳида эътибор берилиши зарур. Шу муносабат билан мамлакатимизда ва хорижда доимий равишда олий таълим муассасасини ривожлантириш механизмлари ва усуллари тўғрисида илмий изланишлар олиб борилади. Изланишлар олиб борилаётган тадқиқотларла олий таълимни замонавий даражасини белгиловчи “Университет 3.0” ва “Университет 4.0” моделларига ўтишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган трансформациялар шароитида университетларнинг илмийинновацион ривожланишини бошқариш ёндашувларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Тизимда амалга оширилаётган ўзгаришларда изчилликни таъминлаш, шунингдек, янги амалиётларни орттирилган тажриба билан оптимал тарзда бирлаштиришга имкон беради.

Мавзуга доир тадқиқот ишининг мақсади мамлакатимиздаги олий таълим тизими инновацион бошқарувига инновацион-интеграциялашув тамойилини қўллаш бўйича таклиф ва тавсияларни шакллантиришдан иборат.

Мавзуни ёритишдаги тадқиқот вазифаларини қуйидагилар ташкил этади:

- олий таълим тизими инновацион бошқарувида инновацион-интеграциялашувни ташкил этиш;
- олий таълим тизими инновацион бошқарувига инновацион-интеграциялашув тамойилини қўллаш;
- қўшма таълим дастурларида иқтисодиёт тармоқлари учун зарур билимли кадрлар тайёрлашни самарали ташкил этишни ёритиш;
- Университет ва корхоналарни ўзаро интеграцион таъсир механизми шакллантириш ва бошқа бир қатор вазифалар қўйилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Мамлакатимизда таълим соҳаси қадимдан ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, охирги пайтларда таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишга оид масалалари билан бир қатор иқтисодчи олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Булар жумласига Ш.Н.Зайнутдинов, А.Ш.Бекмуродов,

З.А.Балташева, Ш.И. Отажонов, И.Ю.Умаров, И.Ҳ.Бобоев, Д.Н.Саидова, О.Ш.Исмаилов, И.У.Ибрагимов, Б.А.Серсенбаев, Г.Ш.Ханкелдиева, Г.С.Саъдуллаева, Х.Х.Режапов кабиларни киритиш мумкин. Аммо ушбу олимлар асарларида дуал таълим масаласи деярли ўрганилмаган.

Методология

Олий таълим муассасаларида университет ва корхоналарни ўзаро интеграцион таъсир механизмини шакллантириш босқичлари келтириб ўтилган. Бундан ташқари, университет ва корхоналарни ўзаро интеграцион таъсир механизми ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Қўшма таълим дастурларида иқтисодиёт тармоқлари учун зарур билимли кадрлар тайёрлашни самарали ташкил этиш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

1. Қўшма таълим дастурлари асосида ўқиш истагини билдирган абитурентлар ва уларнинг ота-оналарини белгиланган тартиб ва шартлар билан тўлиқ таништириш ишларини ташкил этиш.

2. Қўшма таълим дастурларини халқаро рейтинг ташкилотларининг мингталик рўйхатига кирган ёки нуфузли салоҳиятга эга бўлган хорижий олий таълим муассасалари билан ташкил этишни йўлга қўйиш.

Шунингдек, қўшма таълим дастурларини иқтисодиёт тармоқларидаги аниқ эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда юқори технологик йўналиш ва мутахассисликлар бўйича таълим йўналишларида амалга оширилишини ташкил этиш.

3. Тегишли олий таълим муассасаларида ҳамкор олий таълим муассасаси таълим тили бўйича хорижий тилга ўқитиш курсларини ташкил этиш ҳамда талабаларни тилни билиши даражасини ошириш.

4. Талабаларни ўз аризасига кўра ўзи таҳсил олаётган маҳаллий олий таълим муассасаларидаги мос йўналишга Давлат тест маркази томонидан амалга ошириладиган имтиҳон асосида ўқишини кўчиришга рухсат бериш.

Хорижий ОТМларда интеграциялашув амалиёти объектлари сифатида ташкилий-бошқарув блокини маъмурий-бошқарув тузилмалари, инновацион маркетинг хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар, ахборот-маслаҳат марказлари, бозор инфратузилмаси, молия-кредит ташкилотлари, яхлит тузилмалар ва технопарклар, ишлаб чиқариш корхоналари, венчур ташкилотлар ва ҳамкор бошқа корхоналар ташкил этади. Бунда иқтисодий блок нарх, кредит, молиявий, солиқ ва суғурта тутқичлари орқали ишлайди. ОТМларни интеграцион объектлари билан алоқаларни молиявий асосларини давлат дастурлари, инвестициялар, лизинг операциялари, давлат кредитлари ва бошқалар ташкил этади. ОТМ интеграциялашувининг ҳуқуқий блокини инновацион университетни ривожлантиришни тартибга солишчи қонун ҳужжатлари, қарорлар, низомлар, буйруқлар ва кўрсатмалар билан ифодаланади. Иқтисодий-молиявий ва ҳуқуқий блоклар, уларни ташкили тузилмалари илмий таъминот, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва бюджет ресурсларидан фойдаланишни таҳлил қилиш ҳамда назорат

қилишни ўз ичига олган элементлар ва таркибий қисмлар билан ўзаро боғланган.

Илмий тадқиқот ишида ўрганилгандек, хорижий ОТМлар инновацияларни илмий лабораторияларда, технопаркларда амалга ошириш, ва интеграциялашув жараёнтларини корхоналар билан амаога ошириш, яъни университет ва корхона ўртасидаги ўзаро алоқа механизми жадаллашгандир (1-расм).


Ушбу механизмда аксарият университетлар ва корхоналар ҳамкорликнинг потенциал афзалликларини тан олмайдилар. Лекин, Темпус тадқиқоти шуни кўрсатадики, бу ҳамкорликнинг асосий натижаси барқарор иқтисодий ўсишга қаратилган бўлиб, бу инновацион ғоялар ва юқори малакали кадрларга рақобатбардош талабни мутаносиб равишда оширади.



1-расм. Университет ва корхоналарни ўзаро интеграцион таъсир механизми

Мамлакатимизда давлат ва нодавлат ОТМ сифатида фаолият юритаётган ўқув юртларининг бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизими ОТМнинг иқтисодий кўрсаткичлари билан чамбарчас боғлиқ. ОТМларининг иқтисодий салоҳиятини ва инновацион фаоллигини ошириш орқали бошқарув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида замонавий бошқарув механизмларни ОТМларга жорий қилиш ҳамда бошқарув усулларида самарали фойдаланиш талаб этилади. ОТМларининг иқтисодий салоҳияти ҳамда инновацион фаоллигини ижобий таъсир доирасини максимал ошириш орқали тизим бошқарувини инновацион оптималлаштиришни таклиф этиш зурур. Бу эса бугунги кундаги замонавий ОТМларини иқтисодий кўрсаткичларини оширишни талаб этиб, оптимал бошқарувга интилиш учун мотив бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим тизимида инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини инновацион-интеграциялашув тамойили асосида такомиллаштиришда таклиф этилаётган ОТМлар ва ҳамкор ташкилотлар интеграциялашувини таъминловчи “Innovation-Information-Integration-Internationalization 4-I “тўртлиги”” модели элементларининг функционал фазибалари мавжуд бўлиб, бунда “тўртлик”нинг ҳар бир элементлари ОТМ бошқарувини инновацион ташкил этишда ўзаро бир-бирига боғланган инновацион-интеграциялашув тамойили асосида вазифаларини изоҳлаш мақсадга мувофиқдир (2-расм).



2-расм. Университет ва корхоналарни ўзаро интеграцион таъсир механизми

Ушбу механизмда “Innovation-Information-Integration-Internationalization 4-I “тўртлиги”” моделидаги элементларнинг ўзаро алоқадорлик кетма-кетлиги таъминланади. Инновацион олий таълим муассасаси мақомига эришиш учун ёки OTMда инноваци яратиш учун дастлар билам ва ахборотдан фойдаланиш ёки yaratilgan инновацияларни маълумотларини мужассамлаштириш амалга оширилиши белгиланган. Yratilgan инновациялар ахборотлар билан биргаликда OTMларнинг ҳамкор ташкилотлари билан инновацион интеграцияга киришади. Инновация+информация+интеграцияни халқаролашув амалиётида қўллаш асосида маҳаллий OTMлар нуфузли халқаро OTMлар билан инновацион интеграцияга киришади. Натижада, олий таълимнинг бошқарув тизимидан янги шаклланган инновацион-интеграциялашув амалиёти ўз вазифаларини кетма-кетикда бажариш натижасида OTMларнинг белгилаган мақсадларига эришишга ҳамда “Университет 4.0” моделига интилган инновацион олий таълим муассасаси мақомига эриши кўзда тутилган.

Ўтказилган тадқиқотлар бизга билимлар иқтисодиётидаги университетларнинг ролига мос келувчи олий ўқув юртларининг илмий-инновацион ривожланиш та’рифини шакллантиришга имкон берди. Биз буни билимларни яратиш, тарқатиш, узатиш ва тижоратлаштириш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат бўлган илмий, илмий-техникавий, инновацион ва таълим фаолияти тизимидаги сифатли ўзгаришлар жараёни деб тушунамиз.

Бироқ ҳозирги пайтда олий таълим муассасалари фаолиятининг айрим турлари (ўқув, илмий, илмий-техник, инновацион) етарлича бирлаштирилмаганлиги сабабли улар алоҳида тизим сифатида бошқарилмоқда. Бу ёндашув фаолиятнинг бир ёналишининг ишлаши ва ривожланиши самарадорлиги бошқасига қанчалик тўлиқ ва сифатли таъсир кўрсатиши тўғрисида зарурий тушунчаларни бермайди. Шунга асосланиб, университетнинг илмий-инновацион ривожланишини бошқариш методикаси тизимли ёндашувга асосланган бўлиши кераклиги аниқ бўлиб, у олий таълим муассасаси маълум бир тартибдаги бир элементнинг ўзгариши муқаррар равишда бошқа элементларнинг ҳолатини ва умуман тизимнинг бутун тузилишини ўзгартиришга олиб келувчи ўзаро боғлиқ таркибий қисмлардан иборат бўлган ижтимоий-иқтисодий тизим эканлигидан иборатдир.

Бундан ташқари, “Университет 3.0” модели бўйича ривожланиш олий ўқув юрти томонидан инновацияларнинг экотизими фазилатларини, яъни, энг самарали

тижоратлаштириш мақсадида билимларни яратиш, ривожлантириш, жорий этишнинг барча босқичларида инновацион жараён иштирокчилари ўртасида ўзаро алоқалар содир бўладиган муҳитни яратишни назарда тутди.

Олий ўқув юртининг илмий-инновацион салоҳияти, аслида, инновацион мақсадга (маҳсулот/хизматларни ишлаб чиқариш) эришиш учун қабул қилинган ёки аллақачон сафарбар қилинган ресурслар ва ташкилий механизмдир (фаолият технологияси ва ташкилий тузилиш).

Илмий-инновацион салоҳиятни университет фаолиятининг барча айтиб ўтилган турларида изчиллик ҳолатидан келиб чиқиб, биз уч гуруҳ таркибий қисмларни аниқладик:

1. Муассасаларнинг ресурс салоҳияти, шу жумладан, барча фаолият турларини (илмий, илмий-техник, инновацион, ўқув) амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар: кадрларга оид, моддий-техник ва молиявий;

2. Барча фаолият турларини бошқариш учун асос яратадиган муассасаларнинг ташкилий-функционал салоҳияти, уларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар ва олинган натижалар: ташкилий тузилма, фаолиятни маркетинг билан таъминлаш ва инновацион инфратузилма;

3. Ташкилот фаолияти натижалари тўплами ва келгусида ривожланиш учун ресурсларни қабул қилиш манбаи сифатида муассасанинг маҳсулот салоҳияти: илмий-текшириш ва тажриба-конструктор ишлари, инновацион фаолият, ишлаб чиқариш фаолияти, кадрларни тайёрлаш, экспорт.

Илмий-инновацион салоҳиятни самарали татбиқ этиш уни кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш ҳамда давлат ва давлатлараро даражадаги барча фаолият турларининг ижтимоий-иқтисодий самарасини ошириш имкониятини назарда тутди. Олий ўқув юртининг илмий-инновацион салоҳияти ресурсларнинг барча турларини кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш учун юқори имкониятлар туфайли ўзининг тузилиши, мазмуни ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири жиҳатидан ноёб ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, олий таълим муассасалари кадрлар, янги билимлар ва технологиялар ҳам ресурс, ҳам фаолият маҳсули бўлган ноёб ташкилотлардир. Бу барча фаолият ёналишларининг (ўқув, илмий, илмий-техник ва инновацион) ўзаро таъсири ҳамда уларни университет ишининг умумий самарадорлигига таъсирининг жуда юқори даражасини англатади.

Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, “Университет 3.0” – бу нафақат инновацион етакчилик, балки сифат жиҳатидан янги стратегик ёндашув асосида илмий-инновацион ривожланишни бошқариш учун такомиллаштирилган модел бўлиб, у олий таълим муассасасининг илмий-инновацион ва таълим тизимининг етишмаётган элементларини яратишни талаб қилади (масалан, инновацион инфратузилма субъектлари каби).

Биринчидан, барча турдаги ресурслар (кадрларга оид, молиявий, моддий-техник) ва фаолият натижаларини (янги технологиялар, моделлар, тажриба намуналари, интеллектуал мулк объектлари, инновацион маҳсулот ва хизматлар, иқтисодиётнинг турли соҳалари учун кадрлар ва илмий-инновацион фаолият) самарали бошқаришни таъминловчи ташкилот менежментининг такомиллаштирилган усулларида (шу жумладан жараёнларни бошқаришнинг

бизнес моделларини жорий этишдан) фойдаланиш, уларнинг сифати ва ўсишини яхшилаш зарур.

Иккинчидан, бозор ва жамият ўртасида самарали алоқа (шу жумладан, таҳлил ва прогнозлаш)ни йўлга қўйиш орқали университет фаолиятининг барча турларини маркетинг ёрдамида таъминловчи илмий-инновацион фаолиятга маркетинг билан бошқариш тизимларини жорий этиш ва фойдаланиш лозим.

Учинчидан, тадқиқотчилик қобилиятига эга бўлган мутахассисларни излаш ва тайёрлаш тизимини яратиш каби илмий-инновацион фаолиятни бошқаришнинг такомиллаштирилган усулларида фойдаланиш, фанлараро тадқиқотлар ўтказиш учун шароит яратиш, янги илмий-техник ёналишларнинг шаклланишини таъминлайдиган тадбиркорлар билан инновацион-технологик кенгашлар ташкил қилиш зарур.

Тўртинчидан, ўқув фаолиятнинг замонавий усуллари ва воситаларидан (шу билан бир қаторда, кадрлар ва технологияларнинг потенциал мижозлари билан биргаликда), шу жумладан, янги ўқув амалиёти яратиш учун тармоқли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланиш, интерфаол таълим принципларини жорий этиш, илм-фан, техника ва тадбиркорликнинг замонавий ютуқлари асосида талаба ва ёшларнинг илғор ривожланишини таъминловчи бизнес-ваколатлар ва тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш дастурларини жорий этиш даркор.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларини учинчи ва тўртинчи авлод университетларига айлантириш, муассасанинг ташкилий ва ресурс барқарорлигини таъминлаш илмий-инновацион салоҳиятни сифатли ва динамик равишда такрор ишлаб чиқариш учун шароит яратишга имкон берувчи такомиллаштирилган усуллар, механизмлар ва бошқарув воситаларидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ан Алексей Евгеньевич: Инновационная деятельность университетов как основа формирования наукоемкой экономики. ст. -96 //
2. Соатова Ш.А. Олий таълим муассасаларида лидер талабаларни бошқаришдаги замонавий ёндашувлар. International scientific journal.
3. Ёўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А, Goldman Ye.D. Инновацион Менежмент. Дарслик Т.-:2011.
4. Сотволдиев Н.Ж. Олий таълим муассасасини бошқариш – иқтисодий диагностика объекти сифатида “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil
5. М.Хуррамов. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш [Матн] : методик қўлланма // – Тошкент: “Sano-Standart”, 2023. – 32 б.